


## “АДАШГАН” КЕЛИН

***Мавжудахон бир чиройли келин бўлди. Ой деса ойдек, кун деса кундек ҳусни бор бу қизга маҳалланинг бор бўйдоқлари ошиқ эди, десак муболаға бўлмас.***

Аммо, қиз улардан бирини эмас, найманлик Қодиржонни танлади. Кўрган билади, иккиси бир-бирига узукка кўз қўйгандек мос тушган. Алам қилганнинг бири лабини тишлади, бири бурнини... Хуллас, Мавжудахон Юқори Равотдан Найманга узатилди...

Уни бир маҳалла хотин-халаж куёв хонадонига "узатиб" борди. Автобуснинг ичи қийқириғу лапарга, битта усулда "така-тум" қилаётган доира овозига тўлиб тошган. Йигирма чақиримлар чиқадиган йўлни бир соат деганда босиб ўтишди. Маҳаллага кираверишдаги дарвозасининг олдига ғўзапоя тикланиб, бола-бақралар қийқириб ўйнаётган уй ёнига етиб келишганда автобус оғир ҳарсиллаб тўхтади. Ичкаридан дарров катталар йиғилиб чиқиб, қайсидир азамат олдиндан тайёрлаб қўйилган ғўзапояга гугурт чақиб юборди. Маҳаллани карнай-сурнай, ноғора товуши босиб кетди. "Келин келди, келин келди" билан андармон бўлишди. Бир оздан сўнг эътибор беришса... куёв йўқмиш...

-Қани куёв, Қодиржон қани, чақиринглар тезроқ, - дебди келиннинг янгаси бошидаги рўмолини тузатаркан. – Келин маҳтал бўлиб қолди-ку...

-Ким?.. Қодиржон?!

-Ҳа-да...

-Қанақа Қодиржон, куёвнинг исми Ашурали-ку...

-Нима?! Ашурали?!

Янганинг хуши бошидан учай деди. Сўраб-суриштиришса, Қодиржонларнинг уйи маҳалланинг нариги бошида экан. Маълум бўлишича, куёвнинг уйини келин узатиб келганларнинг биронтасиям билмас экан. Бу ҳовлидагилар эса бошқа келинни кутишаётган экан.

## БИЛГАН ТОПИБ ГАПИРАДИ...

***Адҳам ферма (қишлоқдошлари уни ферма мудири бўлгани учун шундай аташади) бетоб бўлиб, шифохонага ётди. Буйрагида тоши бор эмиш. “Қизиқ” деб ўйларди у оппоқ шифтга термулиб ётаркан, одам боласининг буйрагида тош қандай пайдо бўларкин? Ахир умрида тош емаган бўлса.***

Касал жонивор са-ал ўтиб кетган эканми, анчагача чўзилди. Докторлар операция қилиб тошни олиб ташламоқчи ҳам бўлдилар, аммо Адҳам ферма “тиғ остига ётмайман”, дея икки оёғини тираб туриб олди. Ноилож, яна даво муолажалари давом эттирилди.

Бир куни катта қизи куёви билан уни йўқлаб келиб қолди. Беморнинг эркалангиси келдими, юзини бужмайтириб, куёвига “арз” қилди.

-Ҳали этим увишади, ҳали биқиним санчади, ўрнимдан туриб юрсам, кўнглим алағда бўлиб, қайт қилиб юборай, дейман... Ҳе-ей, бандасининг боши - Оллонинг тоши экан-да...

Куёв ҳам ҳадеб “тўғри-тўғри” дея бош силкиб ўтиравериш-дан уялди чоғи, беморнинг кўнглини кўтарган бўлди.

-Э, ўзи касаллик дегани шунақа бўларкан. Мана, амаким... Яқинда қазо қилдилар... У киши ҳам вафотларидан бир-икки кун аввал худди шундай девдилар...

-А?!

-Нима?!

Адҳам ферма каравотда кўзларини чирт юмиб ётар, куёв бўлса ранги оқариб, қўрқувдан дағ-дағ қалтираб ўтирарди.

-Туринг, кетдик, - деди ферманинг қизи куёвни турткилаб. – Битта гапни топиб гапиролмайсиз-а, бефаросат...

-Нима қипти... – деди куёв шўрлик елкасини қисиб, - мен бор гапни айтдим...

-Йўқол! – деди Адҳам ферма лаби учиб. – Кўзимга кўринма... Ҳе, сенга дардини айтганниям...

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

## “ЧИНОҚ”

***...Бўривойнинг хотини беш нафар қиздан сўнг яна ҳомиладор бўлди. Улар ҳар галгидай бу сафар ҳам ўғил фарзанд кутишарди. Хотини қовунга бошқоронғи бўлди, дардини келиб-келиб шом пайтида эрига шипшиди: “Босволди қовун егим келяпти”. Бўривой ўйланиб қолди. Ҳафта ораси бўлса, бозоргача ҳали 2-3 кун бор. Хотинига қараган эди, ҳануз мўлтираб турибди.***

Шунда калласи яшин тезлигида ишлаб кетди. “Топдим, Гулмат“тажанг”нинг полизига бораман, уялмасдан шартта сўрайман. Битта қовун отасини ўлдирмас, жуда бўлмаса пулини ҳам бераман”.

У полизга етиб келганида, Гулмат "тажанг" донг қотиб ухлаб ётарди. Хиёнат қилгиси келмай, ҳамқишлоғини аста уйғотди.

-Уйқуни бузганинг бир сари, худди хотининг ўғил туққандай тиржайиб турибсан, - унинг айтган сўзи шу бўлди.

-Узр, безовта қилдим. Бир яхшилик қилинг, заруратдан келдим. Бир донагина босволди керак, келинингизнинг кўнгли кетибди.

-Э, кўнглидан ўргилдим, сенга қовун йўқ, бор тушингни сувга айт... Бундай мулозаматни кўрмаган Бўривой ялингансимон деди:

-Бир дона қовун билан бойиб кетмассиз, оғзингизга сиққанча айтинг, ҳақини тўламаган номард.

Гулмат "тажанг"нинг энди чинакамига жаҳли чиқди.

-Шунақами, энди пулингга ҳам бермайман, текинга ҳам, - деб кутилмаганда ёқасига чанг солди. Иккаласи олиша кетишди. Бўривой рақибига шердек ташланиб, унинг супрадай чап қулоғини бир зарб билан тишлаб узиб олиб, ерга ташлади. Дод-фарёд кўтарилди. Гулмат “тажанг” қулоғини ушлаб, войвойлаганича ғужанак бўлиб қолди. Бўривой полиздан хоҳлаган қовунини танлаб олди-да, кўздан ғойиб бўлди.

Шу жанжал сабаб, улар юз кўрмас бўлиб кетишди. Бу воқеадан кейин Бўривой паҳлавондай ўғилли бўлди. Гулмат “тажанг” эса “чиноқ” лақабини олди. Орадан йиллар ўтиб, қишлоқда дув-дув гап тарқалди: Бўривой Гулмат ота билан ярашибди. Бу гапда жон бор эди. Гулмат ота тўшак тортиб ётиб қолганини эшитган Бўривой ўғлини етаклаб, уни кўргани чиқди. Шифтга тикилганича ётган Гулмат бобо уларни кўриб шошиб қолди.

-Кўринмай қолдингиз, Гулмат ака, соғлиғингиз яхшими? Неварангиз билан атайлаб кўргани келдим, биздан ўтган бўлса, узр.

-Келиб яхши қилибсан, лекин мени ўлади деб ким айтди, узр сўраб энсамни қотирасан, - яна тажанглиги тутди “чиноқ”нинг.

Бўривой ака эса ҳам ҳазил, ҳам қувлик билан орага қувноқлик киритди:

-Тек ётинг, “чиноқ”бобо, бўлмаса иккинчи қулоғингизни ҳам...

Дув кулгу кўтарилди. Иккиси ҳам анчадан бери бунчалик завқланиб кулмаган эди...

**Муҳаммад КАРИМ**

# СИРДАРЁНИНГ ҚАНДАЙ “СИР”И БОР?

(Боши 1-бетда)

Уни 180-200 кунга кўпайтирсак ўн беш минг тонна (!) деган даҳшатли миқдор пайдо бўладики, бу алал-оқибат дарёга тушиши муқаррар! Бунинг "савоби" аввало ноинсоф кимсаларга, қолаверса, дарёнинг масъулияти юкланган раҳбарларга, ҳурматли шифокорларга, уларнинг виждонига ҳавола.

Табиий бойликлар деҳқончилик эмаски, баҳорда экиб, кузда йиғиштириб олсанг. Сирдарё ҳам хатлаб ўтадиган арикча эмаски, хоҳлаганда бекитиб, хоҳлаганда очсанг. Лекин гапнинг нафсиламбирини айтганда, бугун дарёда сув жуда оз. Ёз чилласида ҳар сонияда уч минг кубометр сув ўтказа олувчи Норинда (Сирдарёнинг асосий ирмоқларидан бири) бир неча тегирмонга лойиқ сув оқади холос.

Бу хусусда масаланинг яна бир томонини таъкидлаш ўринли бўлур эди. Сирдарёнинг суви қочиб, ўзани очилгани сайин қум, тош, шағал олиш кўлами ўлчовсиз ошиб бормоқда. Бу иш режали, қоидали қилинса ёмонлиги йўқ эди, албатта. Аммо у ҳам дарёни бузиш, қирғоқларни увада ҳолига келтириш кимлар учундир "бизнес" манбаига айланиб бўлган. Биз бу беминнат ашёларнинг осмонларга чиқиб ётган нархини шарҳлаб, гапни чўзмоқчи эмасмиз. Фақат таклиф шуки, ваколатли идоралар бугунги тош, қум, шағалнинг ғаройиб "савдо"сига қонун кўзи билан бир қараб қўйсалар ёмон бўлмасди.

Табиий бойликларга завол келтирадиган омиллардан бири исрофгарчилик экани аён. Уларни, жумладан, сувни ҳам беҳисоб деб ҳисоблашдай бемаъни қусурдан холи бўлолмаяпмиз. Ваҳоланки, моддий неъматларнинг бари ўлчовли. Мана ўша ҳисоб-китоблардан айримлари. Мамлакатимизда энг серсув дарё ҳисобланмиш Амударёда йилига 68-71 миллиард кубометр ва Сирдарёда 33-34 миллиард кубометр сув оқиши аниқланган. 2001 йилда ҳар икки дарёнинг оқими 2000 йилга нисбатан 2,5 миллиард кубометрга кам бўлди. Хўш, ўтган йили-чи? Ҳозир бу хусусда бир нарса дейиш қийин, лекин кейинги йиллардаги исрофгарчилик туфайли сувнинг янада озайганини бемалол тахмин қилавериш мумкин.

Илмий таҳлилларга қараганда республикамизда ҳар бир гектар экинзор учун йилига белгиланганидан кўп сув сарфланмоқда. Ҳолбуки, жаҳондаги ўта серсув дарёлардан бири бўлмиш Нилни тасарруф қилаётган мисрлик деҳқон бизга нисбатан бир неча ўн баравар тежамкорлик билан сув ишлатаяпти. Республикамизда сув исрофгарчилигининг 29 фоизи бошқарувнинг такомиллашмагани туфайли содир бўлмоқда. Алалоқибат, сув республикамизда умумдавлат муаммоларидан бирига айланиб бўлдики, Президентимиз ҳам буни қайта-қайта таъкидламоқдалар.

Сувнинг муқаддаслигини ҳис қила олсак эди. Ахир қаерда қадамжо бўлса, табаррук суви бор-ку! Кўп йиллар бурун ҳожатхонаси қувурини Наманган шаҳри марказидан ўтувчи Янгиариққа тушириб қўйган одамни кўрганмиз. Суд мажлисида унинг башарасига боққан кишилар одам қиёфасидаги иблисни кўргандай юзларини ўгириб олишган ва калима келтирган эдилар.

Кейинроқ Мингбулоқ нефть конида даҳшатли ёнғин бошланди. Ўшанда нефтнинг неча кун ёнгани, келтирган зиёни ҳақидаги гапларнинг мавриди эмас эди. Ўша кунлари кўпчиликни, хусусан, зиёлиларни 10-20 чақирим масофадан кўринувчи алангадан ҳам кўра нуфузли бир раҳбарнинг телевизорда айтган ноўрин гаплари кўпроқ ранжитди.

-Бундан табиатга ҳеч қандай зарар йўқ, - деди у хотиржамлик билан.

Ёнаётган нефть Сирдарёга жуда яқин эди, боз устига қопқора ёмғирлар ёғиб ўтди, уч-тўрт туманнинг устида тутун кезиб юрарди. Ёнғиннинг атроф-муҳитни булғаётгани инсон кўзига лаборатория таҳлилларисиз ҳам кундек равшан, ҳалиги гап ортиқча бўлди.

Таассуфки, табиатга бошқарув кўзи билан қаровчилар бугун ҳам топилади. Ҳалигача дарёга етказган зарари учун арзимас жарима билан қутулаётганлар оз эмас. Мана энди истиқлол азалий булоқларнинг битиб кетган кўзларини очди, кўҳна Сайҳун ўша чашмалардан ҳам сув олиши тайин. Булар орасида энг аълоси қадриятлар булоғидирки, ундан сув чиқмоғи учун бизнинг кўзларимиз очилмоғи зарур.

**Рустамжон УММАТОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

## “НАВОИЙНИ ЎРГАНАМИЗ”

***Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институтида мамлакатимизга таниқли адабиётшунос олимлар билан “Навоийхонлик” кечаси бўлиб ўтди.***

Анжуманда навоийшунос олим, академик А.Қаюмов, профессор С.Абдуллаев, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий дизайн ва рассомлик институти ректори, профессор У.Қорабоевлар иштирок этишиб, йиғилганларга Навоий ва унинг шахс, шоир, давлат арбоби сифатидаги серқирра фаолияти ҳақида сўзлаб бердилар. Бадиий кеча шоир ғазаллари билан ижро этилувчи куй-қўшиқларга уланиб кетди.

**Даврон ЖАВЛОНОВ**

## ЎҚУВЧИНИНГ КИТОБИ НАШР ЭТИЛДИ

***Деҳқонобод туманида истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга интилиш кучли.***

-9-синф ўқувчиси Шоҳиста Нуруллаеванинг “Зангор туйғулар” шеърлар тўплами нашр этилди, - дейди Деҳқонободдаги иқтидорли болалар мактаб-интернати директори Мустафо Раҳимов қувонч билан. – Қарши шаҳридаги “Насаф” нашриётида чоп этилган бу тўпламдан бадиий жиҳатдан пишиқ шеърлар ўрин олган.

**Жовли ХУШБОҚОВ**



**Тўрабек Зулимов Зомин туман Давлат нотариал идораси катта давлат нотариуси. У фуқароларнинг тегишли ҳужжатларини расмийлаштиришга сидқидил ёндошади.**
**СУРАТДА: Тўрабек Зулимов (ўнгда) тадбиркор И.Исмоиловга ҳуқуқий жиҳатдан йўл-йўриқлар бермоқда.**

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

## НОЁБ ГИЛАМЛАР “ШАЙДО”СИ

### БОЖХОНА

***Асосий қонунимиз ҳисобланмиш, конституциянинг 49-моддасида “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар” – дейилади. Афсуски, барча фуқаролар ҳам бу мажбуриятларни дилдан ҳис этмаслиги ва эътиборсизлиги оқибатида, айрим чет эл фуқаролари вазиятдан унумли фойдаланиб, ўзларининг ғайир мақсадларини амалга оширишга уринмоқдалар.***

Яқинда, ноёб тарихий бойликларимизни юртимиздан олиб чиқиб кетишга уринган ана шундай кимсаларнинг қилмишлари ҳушёр божхона ходимлари томонидан фош этилди.

Самарқанд вилояти божхона бошқармасининг “Аэропорт” божхонаси маскани нозирлари томонидан, “Самарқанд- Москва” рейси билан учмоқчи бўлган йўловчи, Россия Федерацияси фуқароси Шахбон Гаджилаевнинг юклари божхона кўригидан ўтказилганда, у ўзи билан беш дона хорижга олиб чиқилиши таъқиқланган қадимий қўлда ишланган гиламларни божхона баённомасида кўрсатмасдан ноқонуний равишда Россия Федерациясига олиб чиқиб кетмоқчи бўлганлиги аниқланди.

Бу кимсанинг маълум қилишича, у мазкур гиламларни Ургут тумани бозоридаги нотаниш бир кимсадан ҳар бир донасини 120 минг сўмдан, жами 600 минг сўмга харид қилган экан.

Яна шу каби ҳолат, "Тошкент Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан ҳам аниқланади. “Тошкент-Москва” йўналиши бўйича учиб кетаётган йўловчи, Москва шаҳрида истиқомат қилувчи Галина Петрановскаянинг юклари божхона назоратидан ўтказилганда, унинг сумкасида божхона баённомасида кўрсатилмаган ва божхона нозирининг оғзаки сўроғи пайтида айтилмаган бир неча дона тарихий аҳамиятга эга бўлган ошхона жиҳозлари мавжудлиги аниқланди.

Энг асосийси эса, юртимиздан ноқонуний олиб кетилмоқчи бўлинган ноёб тарихий бойликларимизнинг парвозига йўл қўйилмади.

**Нурбек САЛОМОВ**




## ТЕРРОР БЎЛИШИ МУМКИНМИ?

***Айни пайтда АҚШ ҳамда Буюк Британия давлатлари эҳтимолли террор ҳуружларидан сақланиш учун хавфсизлик чораларини кўрмоқдалар.***



Жумладан, Вашингтон шаҳри осмонида қирувчи самолётлар ҳамда вертолётларнинг патрул хизмати йўлга қўйилган бўлса, Лондон шаҳридаги Хитроу аэропортининг хавфсизлигини сақлаш учун 1,5 минг нафар полициячи ва ҳарбийлар жалб этилган. Бундай чораларнинг кўрилишига куни кеча Усама бин Лоденнинг "Ал-Жазира" телеканали орқали чиқиш қилиб, Ироққа уруш бошламоқчи бўлганларга ҳуруж қилинишини айтганлиги сабаб бўлди. Ҳозирда ҳар икки давлат махсус хизматлари яқин кунлар ичида террор акти бўлишини тахмин қилмоқдалар.

## ГРУЗИЯ – АҚШНИНГ ИТТИФОҚДОШИ

***Қора денгиз минтақасида жойлашган Грузия давлати Ироқ урушида АҚШга иттифоқчи бўлиш ниятида.***



Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе бўлғуси урушда Қўшма Штатларга ёрдам берилишини, жумладан, ўз давлати ҳудудига АҚШ базаларини жойлаштириш мумкинлигини билдирган. Пентагон вакилининг билдиришича, расмий Тбилиси томонидан билдирилган ушбу таклиф ўрганиб чиқилади. АҚШ давлат котиби ўринбосари Стивен Редмейкернинг Тбилисида Шеварднадзе билан ўтказган музокаралари чоғида Грузия раҳбари Вазиани аэродромига Американинг жангавор самолётлари жойлаштирилишига рухсат берган.

## ШИМОЛИЙ КОРЕЯНИНГ БАЛЛИСТИК РАКЕТАЛАРИ

***АҚШ разведкасининг билдиришича, Шимолий Корея Америкагача етиб бориши мумкин бўлган узоқ масофага учувчи баллистик ракеталарга эга.***

Марказий Разведка Бошқармаси раҳбари Жорж Тенетнинг айтишича, Пхеньян ядровий каллаклар ишлаб чиқаришга уринмоқда. Манбаларга кўра, Шимолий кореяликларнинг “Таеро Dond 2” русумли ракеталари АҚШнинг ғарбий ҳудудларигача етиб бора олади. Худди шундай хавфлардан мамлакатни ҳимоя қилиш учун эса расмий Вашингтон ўзининг ракета ҳужумидан мудофаа дастурини ишлаб чиқмоқда.



Атом энергетикаси бўйича халқаро ташкилот (МАГАТЭ) раҳбари Муҳаммад ал-Барадей ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги халқаро шартномага риоя қилмаётган Пхеньян масаласини кўриб чиқиш учун БМТ Хавфсизлик Кенгашига тақдим этди.

## ПУЛФУРУШЛАР УШЛАНДИ

***Польша полицияси евро пул бирлигининг қалбаки нусхасини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи жиноий гуруҳни ҳибсга олди.***



Жиноятчилар ушлангунларига қадар 1,5 миллион евро миқдорида сохта пуллар ишлаб чиқаришга улгурганлар. Ҳозирда 10 нафари Польша, 2 нафари Украина фуқаролари, дея тахмин этилаётган гуруҳнинг 6 нафар аъзоси қўлга олинган. Европа марказий банкининг билдиришича, қалбаки евролар ушбу пул бирлигига аъзо давлатлар бўйлаб муомалага чиқиб кетган. Жиноятчиларнинг Варшава шаҳри яқинидаги босмахоналарида чоп этиш учун тайёрлаб қўйилган купюралар, компьютер ва нашр этиш жиҳозлари топилган.

## БИН ЛОДЕННИНГ ЎҒЛИ ҚАЕРДА?

***Лондонда чоп этиладиган “Asharq Al-Awsat” араб газетасининг ёзишича, “Ал-Қоида” раҳбари бин Лоденнинг катта ўғли Саад бин Усама бин Лоден Эронда яшириниб юрибди.***



Бу ҳақда газетанинг Римдаги мухбирига номи ошкор этилмаган шахс маълум қилган. Шунингдек, у Саад бин Усама бин Лоденнинг Эрон ҳукумати билан алоқаси бор ёки йўқлиги ҳақида маълумот бермаган. Сааднинг нуфузи Афғонистондаги аксилтеррор кампаниядан сўнг ошган бўлиб, у отасининг (бин Лоденнинг) “ўнг қўли”га айланган. Бин Лоденнинг 27 нафар ўғилларининг энг каттаси ҳисобланган Саад 23 ёшда бўлиб, у отаси билан бирга Афғонистонга келган эди.

**“ИНТЕРНЕТ” тармоғидан олинди.**

# ТАЪЛИМ МАСКАНИДАГИ ҚАЛЛОБЛАР

(Боши 1-бетда)

Масалан, 2000 йилнинг 4-30 сентябр кунлари 12 нафар ўқитувчини малака ошириш учун ўқишга юбориш ҳақида 2000 йил 28 августда 65 А сонли сохта буйруқ чиқаради. Шу йилнинг 2-28 октябр кунлари яна 12 нафар ўқитувчини шу мақсадда ўқишга жўнатиш ҳақида олдиндан 73 А сонли буйруқни чиқаради. Шундан кейин у яна шу мазмунда жами 83 нафар ўқитувчининг номи киритилган турли кун, ой ва саналар кетма-кет кўрсатилган буйруқларга имзо чекади. “Малака оширишга жўнатилган” ўқитувчилар ҳеч нарсадан бехабар мактабда ишлаб юраверишади. Нафс бандаси Мустафо Адилов эса уларнинг номига қалбаки ҳужжатлар расмийлаштириб, уларнинг имзоларини ҳам сохталаштириб, ана шундай йўл билан бир миллион 201 минг 311 сўм пулни ўзлаштириб юборади.

Иштихон туман халқ таълими бўлими меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича катта ҳисобчиси Толлибой Кўзиев жамоат мулкини ўзлаштиришда Мустафо Адиловдан ҳам ўтиб кетди. У ҳам шерикликка ғазначи Бахтиёр Номозовни танлади. Фақат у нафс йўлида ҳийла-найранг ишлатишда сал бошқача йўл тутди. Яъни у тумандаги Борлос қишлоқ врачлик пункти бош врачи Ғулом Кўбаев, туман марказий касалхонаси ҳисобчиси Комилбоев, Чойжовул қишлоқ врачлик пункти катта фельдшери Тўлқин Раззоқов, Сафохўжа қишлоқ врачлик пункти бош врачи Тиркаш Бобомуродов ва собиқ Гўзалкент туман поликлиникаси врачи Тўхтамурод Ярматовлардан жами 35 дона турли сериядаги туман марказий шифохонасида қатъий ҳисобда турадиган касаллик варақаларини реквизитлари тўлдирилмаган, муҳр босилган ҳолда, ҳақ эвазига олиб, тумандаги турли мактабларда ишлайдиган, ҳатто ишламайдиган ўқитувчиларнинг номларига касаллик варақаларини тўлдирадилар. Масалан, Борлос қишлоқ врачлик пунктига тегишли У-11 серияли 589885 рақамли касаллик варақасини 33-мактаб ўқитувчиси М.Қаҳрамонованинг номига тўлдириб 89.208 сўм, Чойжовул қишлоқ врачлик пунктига тегишли У-15 серияли 65076 рақамли касаллик варақасини 4-мактабда ишламайдиган С.Қудратовани шу мактаб ўқитувчиси деб тўлдириб, 87.151 сўм, У-15 серияли 650764 рақамли касаллик варақасини 4-мактабда ишламайдиган М.Қодирова номига тўлдириб, 80.023 сўм, У-15 серияли 650762 рақамли касаллик варақасини 4-мактаб ўқитувчиси Д.Жўраеванинг номига тўлдириб 92.560 сўм, У-16 серияли 654506 рақамли касаллик варақасини 22-мактабда ишламайдиган С.Норбекованинг номига тўлдириб, 75.540 сўм пулни ... ўзлаштиради.

Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Хуллас, «қаҳрамони»миз Толлибой Кўзиев эътибор берган бўлсангиз, сохта касаллик варақаларини фақат аёллар номига тўлдирган. Бунга сабаб, эркакларни беш-ўн кун, нари борса ўн беш кун "бюллетен"га чиқарса, пули ҳам шунга яраша кам бўлади-да. Аёлларни эса узоқ муддатли таътилга чиқаришнинг йўли осон. Чунки ҳомиладор аёллар – туғишгача икки ой, туққандан кейин яна икки ой таътилда бўлгач, “касаллик варақаси”га ҳам мўмай пул чиқади. Ана шундай ҳийла билан мактабда ҳеч гапдан хабари йўқ аёллар ўзлари билмаган ҳолда “ҳомиладор бўладилар”, ўзлари билмаган ҳолда “фарзанд кўрадилар” (албатта, қоғозда!) Т.Қўзиевнинг “сеҳри” билан ҳатто мактабда ишламайдиганлар ҳам ўқитувчиларга айланиб, “ҳомиладорлик таътили”га чиқишади. Қайтариб айтамиз, номларига касаллик варақалари тўлдирилган аёлларнинг биронтаси бу қинғир ишдан хабардор бўлишмаган. Шундай қилиб ҳисобчи Т.Кўзиев хазиначи Бахтиёр Номозов билан тил бириктириб, уч миллион 293 минг 561 сўмни ўзлаштиради.

Қовун қовундан ранг олади деганлари рост экан. Иштихон туман халқ таълимида меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобчиси Абдували Ботиров ҳам ҳамкасби Толлибой Кўзиевнинг “услуби”ни айнан такрорлаб, 25 ҳолатда “касаллик варақаси операцияси”ни ўтказиб, у ҳам “хазина”чи Бахтиёр Номозов билан тил бириктириб, давлатнинг бир миллион 778 минг 542 сўмини “туя” қилишади.

Халқ таълимининг яна бир меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобчиси Носир Расулов ҳам, “отдан қолма тойчоғим” қабилида иш тутиб, юқорида номлари тилга олинган “устозлари”нинг услубини такрорлади ва турли тарзда 744 минг 856 сўмни ўзлаштирди.

Афсусланарлиси, шунча алдам-қалдам ишлар бўлдию, буни на ўша пайтдаги Иштихон туман халқ таълими бўлими раҳбарлари, на бош ҳисобчилар пайқашган. Фақатгина туман прокуратурасидан юборилган тафтишчи келгачгина “сир”лар очилган.

Юқорида номлари тилга олинган шахсларнинг гуруҳ бўлиб қилган жиноятлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли модда ва қисмлари билан айбланиб, жами беш миллион 667 минг 337 сўм ўзлаштирганликлари аниқланди. Тергов давомида улар айбига иқрорлик ва қилмишига пушаймонлик билдиришди. Давлатга етказилган зарар пули ундирилди. Бундан ташқари уларга суд ҳукми билан қонуний жазо берилди.

Ўйлаймизки, туман, вилоят халқ таълими раҳбарлари, қолаверса, республикадаги мутасадди идоралар бундай нохуш ҳоллар юз бермаслиги учун тегишли чоралар кўрадилар.

**Акмал ИМОМОВ,**
**Иштихон туман прокурори**
**адлия маслаҳатчиси.**
**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

